

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗАЙНИЕВ АЛИШЕР ФАРИДУНОВИЧ

ҚАЛҚОНСИМОН БЕЗ ХАВФСИЗ КАСАЛЛИКЛАРИНИ
ТАШХИСЛАШ ВА ЖАРРОҲЛИК ДАВОСИНИ МАҚБУЛЛАШТИРИШ

14.00.27 –Хирургия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд-2024

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Зайниев Алишер Фаридунович

Қалқонсимон без хавфсиз касалликларини ташхислаш ва жарроҳлик
давосини мақбуллаштириш..... 3

Зайниев Алишер Фаридунович

Оптимизация диагностики и хирургического лечения
доброкачественных заболеваний щитовидной железы..... 32

Zayniyev Alisher Faridunovich

Optimization of diagnosis and surgical treatment of benign thyroid
diseases..... 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 66

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗАЙНИЕВ АЛИШЕР ФАРИДУНОВИЧ

ҚАЛҚОНСИМОН БЕЗ ХАВФСИЗ КАСАЛЛИКЛАРИНИ
ТАШХИСЛАШ ВА ЖАРРОҲЛИК ДАВОСИНИ МАҚБУЛЛАШТИРИШ

14.00.27 –Хирургия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд-2024

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.3.DSc/Tib741 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.sammu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Курбаниязов Зафаржон**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Эшонходжаев Отабек Джураевич**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Раҳманов Қосим Эрданович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Бюлент Юнал
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Смоленск давлат тиббиёт университети**
(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети хузуридаги илмий даражаларлар берувчи DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 рақамли Илмий Кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Амир Темуր кўчаси, 18-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75; e-mail: sammu@sammu.uz

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№. _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Амир Темуր кўчаси, 18-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75;

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Н.Н. Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.В. Шмырина

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

С.Э. Мамарджабов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. ЖССТ маълумотларига кўра, бутун дунёда 800 млн. дан ортиқ одам қалқонсимон без касалликларидан азият чекиб келмоқда, ҳамда уларнинг 55-78% ини қалқонсимон без тугунли ҳосилалари ташкил этади. Ушбу патологиянинг тарқалиши эркакларда 0,7-1,4% ни, аёлларда эса 5,6-6,8% ни ташкил этиб, 50 ёшдан кейин ушбу кўрсаткич 21% гача кўтарилади. Беморлар сонининг пасайиш тенденцияси кузатилмагани ва касалланиш даражаси ҳар 100 000 аҳолига 1,1 дан 8,8 гача бўлган эндемик ҳудудлар мавжудлиги сабабли тиреоид патологиялар жиддий тиббий-ижтимоий муаммо бўлиб қолмоқда. Маълумки, ҳозирги даврда «...қалқонсимон без касалликлари диагностикасининг яхшиланиши кўп жиҳатдан ноинвазив визуализация усулларининг амалиётга кенг жорий этилиши билан боғлиқ бўлиб, комплекс қўллаш натижасида уларнинг информативлиги 94-100% га етади...»¹. Шу билан бирга, кеч ташхис қўйиш муаммоси ҳали ҳам сақланиб қолмоқда ва натижада ушбу касалликларни жарроҳлик усулида даволашнинг тактик ва техник жиҳатларига сезиларли таъсир кўрсатувчи унинг оғир шакллари частотасининг кўпайиши ҳам кўзатилмоқда. Жарроҳликнинг энг кенг тарқалган усули бу без тўқимасини турли ҳажмда олиб ташлашнинг ҳар хил вариантлари (92,5%) бўлган тиреоидэктомия бўлиб қолмоқда, «аммо операциядан кейинги асоратлар жуда юқори ва операциядан кейинги касалликнинг кўплаб қайталаниши (13-55%), ҳамда операциядан кейин юзага келувчи гипотиреоз (23-59%) қўлланилаётган жарроҳлик даво тактикасининг етарлича самарадорликка ва ишончлиликлка эга эмаслигидан далолат беради.»²

Жаҳон тиббиёти амалиётида қалқонсимон без хавфсиз касалликлари бўлган беморларда жарроҳлик аралашуви кўрсаткичлари кўп жиҳатдан қабул қилинган даволаш стандартларига боғлиқ бўлиб, унда консерватив давонинг рухсат этилган максимал муддатлари, жарроҳлик йўли билан даволашни талаб қилувчи тугунлар юзага келиши билан белгиланиши лозим (Al-Adhami A. et al., 2018). Операциядан кейин қайталанган буқоқни жарроҳлик даволаш мураккабланиши сабабли Европа ва АҚШда ишлаб чиқилган, қалқонсимон без хирургик касалликкри бўлган беморларни даволаш стандартлари тиреоидэктомия (ТЭ) – бўқоқ қайталанишини бутунлай истисно қилувчи операцияларни ўз ичига олади (Sosa J. A. ва бошқ., 2018). Ўзбекистонда, Россияда бўлгани каби, ўрнатилган жарроҳлик анъаналари туфайли жарроҳлик йўли билан даволаш тўғрисида қарор қабул қилиш қийин вазифа бўлиб қолмоқда. Шу сабабли, қалқонсимон без хирургик касалликлари бўлган беморларда турли ҳажмдаги қолдиқ тўқима

¹Беляков И.Е. Комплексная оценка при узловых патологиях щитовидной железы // Здоровье и образование в XXI веке. – 2017. – Том 19. – № 8. – С

² Reinisch A, Malkomes P, Habbe N, et al. Guideline compliance in surgery for thyroid nodules—a retrospective study. *Exp Clin Endocrinol Diabetes*. 2017;125:327–334.

шакллантириш билан қалқонсимон безни субтотал резекция қилиш умумий қабул қилинган жарроҳлик аралашуви ҳисобланади (Макаров И. В. ва бошқ., 2020). ТЭ дан воз кечиш, бундай операция билан, қайтувчи хиқилдоқ нервларнинг шикастланиши, паратиреоид безларини олиб ташлаш ва операциядан кейинги гипотиреоз хавфи сезиларли даражада юқори эканлиги билан изоҳланади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ушбу касалликнинг олдини олиш ва даволаш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш зарур ҳисобланади.

Айни пайтда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига кўрсатилаётган эндокринологик ёрдам сифатини тубдан яхшилаш ва кўламини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича кенг кўламли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишда, хусусан, қалқонсимон без хавфсиз касалликлари жарроҳлик даволаш сифатини яхшилашда етарлича ижобий натижаларга эришилиб келинмоқда. Шу билан бирга, тиббий ёрдам тизимини такомиллаштириш учун қалқонсимон без касалликларини олдини олиш, метафилактикаси ва даволашнинг янги усуллари самарадорлигини баҳолаш учун далилларга асосланган натижалар талаб этилади. Президентнинг 2022 йил 26 - январдаги ПҚ-102-сонли "Эндокринология хизматини такомиллаштириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида эндокринология соҳасида фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотлар ўтказиш, эндокрин касалликларнинг олдини олиш, диагностика қилиш ва даволашнинг устувор йўналишлари бўйича инновацион усулларни халқаро тавсияларга мувофиқ жорий этишни назарда тутувчи вазифалар қўйилди³. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан жарроҳлик тактикасини такомиллаштириш ва қайталанишини камайтиришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш орқали қалқонсимон без хавфсиз касалликларини даволаш сифатини яхшилаш долзарб йўналишлардан бири деб ҳисобланади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 12-ноябрдаги «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6110-сон, 2022-йил 28-январдаги «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон фармонлари, 2022-йил 16-майдаги «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4887-сон, 2020-йил 12-ноябрдаги «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4891-сон қарорлари, ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 – январдаги ПҚ-102 — сонли "Эндокринология хизматини такомиллаштириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори. Қонунчилик ҳужжатлари тўплами.

ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Қалқонсимон без хавфсиз касалликларини ташхислаш ва жарроҳлик даволашга қаратилган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: The Clayman Thyroid Center, Clayman Endocrine Institute (АҚШ); South Bohemian University, Institute of Microbiology Czech Academy of Sciences (Чехия), University Medical Center Utrecht, University of Groningen (Нидерландия), Seoul National University (Жанубий Корея), National Yang-Ming University (Таиланд), Universidade Estadual Paulista, Universidade Federal de Minas Gerais (Бразилия); University of Birmingham (Буюк Британия), Medical University of Warsaw (Польша); Medizinische University Wien (Австрия); Institute of Medical Microbiology and Hospital Epidemiology (Германия); University of Tokyo (Япония); Instituto de Salud Carlos III (Испания); University of Perugia (Италия); Qingdao University (Хитой); National University of Ireland (Ирландия); Skane University, University of Lund (Швеция); РФ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ФДБТ “Эндокринология миллий тиббий тадқиқот маркази” (Россия Федерацияси), академик Я.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий амалий тиббиёт маркази, Самарқанд давлат тиббиёт университети ва Тошкент тиббиёт академиясида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Токсик ва нотоксик бўқокни ташхислаш ва жарроҳлик даволаш усуллари асослаш ва такомиллаштириш бўйича илмий натижалар олинган (Clayman Endocrine Institute, АҚШ); қалқонсимон без жарроҳлик касалликлари сабабли йилига миллиондан ортиқ тиреоидэктомия бажарилиши ҳисобига гипотиреоз ривожланиши, ҳамда беморлар яшаш сифатининг пасайиши натижасида давлатга катта иқтисодий зарар етказилганлиги асосланган (Seoul National University, Жанубий Корея), қалқонсимон без хавфли касалликлари бўлган беморларда тотал тиреоидэктомия бажариш имкониятлари кенгайтирилган (University of Birmingham, Англия); эндемик ҳудудларда яшовчи аҳолининг ёд танқислигини камайтиришга қаратилган амбулатор шароитларнинг яратилиши ва инвестицияларни ажратилиши қалқонсимон без хавфсиз касалликлари сонининг камайишига олиб келиши исботланган (РФ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ФДБТ “Эндокринология миллий тиббий тадқиқот маркази”, РФ); қалқонсимон без касалликларини даволаш натижаларини прогноз қилишнинг иммунопатогенетик жиҳатлари ўрганилган ва очиқланган (академик Я.Х.Тўрақулов номидаги РИЭИАТМ, Ўзбекистон); қалқонсимон без касалликларининг қайталаниши ривожланишининг хавф омилларини аниқлаш, шунингдек, эндемик минтақада яшовчи беморларда

унинг натижаларини прогнозлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилган (Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон).

Дунёда қалқонсимон без хавфсиз касалликларини тактик ва техник жиҳатларини асослаш ва жарроҳлик даволаш натижаларини прогнозлаш мақсадида қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан нотоксик ва токсик бўқоқни жарроҳлик даволаш усулларини мақбуллаштириш, тиротоксикоз билан оғриган беморларни жарроҳлик усулида даволашга тайёрлаш усулларини такомиллаштириш, қалқонсимон без хавфсиз касалликларида жарроҳлик даволаш усулларини клиник – морфологик асослаш, беморлар яшаш сифатини яхшилашга олиб келувчи операциядан кейинги гипотиреозни камайтириш учун операциялар ҳажмини танлашга табақалаштирилган ёндашув ва бошқалар.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қалқонсимон без касалликлари аҳолининг 4-8 % да учрайди, скрининг ультратовуш текшируви ва аутопсия натижалари бўйича бу тарқалиш 50-70%га етади. Тугунли ҳосилаларнинг аксарияти яхши сифатли бўлиб, хавфли ҳосилаларнинг частотаси қалқонсимон безнинг пайпасланувчи тугунлари структурасида тахминан 4% -12% ни ташкил этади. Узоқ йиллар давомида қалқонсимон без хавфсиз касалликларида операция ҳажми зарарланган бўлак резекциясидан тортиб тироидэктомиягача бажариб келинган. Адабиётлар маълумотларига кўра, қайталанган буқоқ билан оғриган беморларнинг 96,8 фоизда биринчи операция аъзони сақлаб қолувчи характерга эга бўлган, шу билан бирга кўп тугунли ҳосилалар бўлган беморларда қайталаниш кўрсаткичи юқори ҳисобланади. Қайталанган бўқоқда бажариладиган жарроҳлик аралашуви техник жиҳатдан мураккаб бўлиб, кўп сонли, ҳамда кўп маротаба қайталанишларда амалиёт ҳажми ва операция ҳажми жиҳатидан тактик муаммолар юзага келади.

Замонавий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, қалқонсимон без хавфсиз касалликларини даволашда бир нечта йўналишлар мавжуд: анъанавий жарроҳлик аралашувлари, ултратовуш ёки КТ назорати остида кисталарни тери орқали пункция қилиш билан даволаш, операциядан олдинги ва кейинги терапия ва эндовидеожарроҳлик усуллари. "Бироқ, очиқ жарроҳлик аралашувлар кундалик амалиётда энг қулай йўналиш бўлиб қолмоқда". Замонавий таснифлаш позицияларини ҳисобга оладиган ягона диагностика алгоритмининг йўқлиги бизга етакчи мезонларни баҳолашга ва жарроҳлик аралашувнинг оқилона вариантини танлашни асослашга имкон бермайди. Жарроҳлик аралашувини танлаш билан боғлиқ масалалар доимий равишда адабиётларда ва илмий форумларда муҳокама қилинади. Ушбу аралашувлардан фойдаланиш бўйича умумий қабул қилинган ва тасдиқланган тавсиялар (протоколлар) ҳали ҳам мавжуд эмас ва улар учун кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар муҳокама мавзуси бўлиб қолмоқда. Шундай қилиб, жарроҳлик аралашувининг оптимал усулини танлаш ва уни амалга ошириш усули кейинги тадқиқотлар учун долзарб бўлиб қолмоқда.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда қалқонсимон без хавфсиз касалликларини даволаш ва ташхислаш тактикаси ҳозирги кунда

соғлиқни сақлаш тизимининг энг долзарб ва ҳал қилинмаган муаммоларидан биридир. Шу муносабат билан, операциядан олдинги босқичда тугун тузилишининг хусусиятларини баҳолаш ва касалликнинг тажовузкорлик белгиларини аниқлашга имкон берадиган тасвирлаш усуллари ва морфологик тадқиқотларнинг инфор­мацион таркибига қараб, қалқонсимон без хавфсиз касалликларида жарроҳлик аралашувнинг радикал­лиги мезонларини қайта кўриб чиқиш зарур, бунда ҳар бир ҳолатда жарроҳлик даволашнинг энг радикал тактикасини танлаш учун диагностика алгоритмини оптималлаштириш айниқса долзарб бўлиб қолади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университети наъмунавий дастурнинг «Шикастланишлар, жарроҳлик касалликлари ва ўсмаларнинг олдини олиш, диагностика қилиш ва даволаш бўйича замонавий технологияларни яратиш ва жорий этиш» (Давлат рўйхати № 012400287) бўйича режалаштирилган тадқиқот ишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади қалқонсимон без хавфсиз касалликлари бўлган беморлар жарроҳлик даволаш натижаларини операция ҳажмини танлашга морфологик асосланган ёндашувни ишлаб чиқиш, ҳамда аралашув техникасини такомиллаштириш орқали яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бўқоқ билан беморлар жарроҳлик даволаш натижаларини бўқоқнинг патоморфологик шаклига, иммун жараёнлар фаоллик даражасига ва бажарилган операция ҳажмига кўра омиллар таҳлилини ўтказиш, ҳамда қалқонсимон без тугунли ҳосилаларининг гистологик шаклини аниқлашда босқичма-босқич морфологик теширишларнинг информативлик даражасини аниқлаш;

бўқоқнинг токсик шаклларида қалқонсимон бездаги патоморфологик ўзгаришлар даражасини операция ҳажмини танлашда прогностик омил сифатида тиреопероксидазага нисбатан антитаначалар титри кўрсаткичлари бўйича аутоиммун жараёнларнинг фаоллик даражасига боғлиқлигини аниқлаш, йод танқислиги бўлган ҳудудда яшовчи беморларда тугунли буқоқ ва қалқонсимон без перинодуляр тўқималарнинг морфологик шаклига қараб жарроҳлик аралашувнинг оптимал ҳажмини танлаш;

ультратовушли аспиратор дисектор (CUSA) ёрдамида қалқонсимон без операцияларининг техник жиҳатларини такомиллаштириш ва унинг интраоперацион, ҳамда операциядан кейинги асоратларини олдини олишда самарадорлигини асослаш;

тиреотоксикоз оғир даражаси бўлган, ҳамда тиреостатиклар таъсирида бартараф этилмаган беморларни операциядан олдинги тайёрлашда дискрет плазмаферез самарадорлигини баҳолаш;

қалқонсимон без хавфсиз касалликларини жарроҳлик даволашнинг прогностик омилларига асосланган ҳолда даволаш ва диагностика алгоритмини ишлаб чиқиш ва клиник самарадорлигини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2012 йилдан 2023 йилгача Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси жарроҳлик бўлимларида операция қилинган қалқонсимон без хавфсиз касалликлари бўлган 603 нафар бемор киритилди.

Тадқиқотнинг предметини қалқонсимон без хавфсиз касалликлари бўлган 603 нафар беморлар комплекс текшириш ва жарроҳлик даволаш натижаларининг таҳлили ташкил этди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун ЖССТ ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тавсия этилган клиник стандартларга мувофиқ қўйидаги тадқиқот усулларидан фойдаланилди: - умумий клиник (бўйин соҳасини текшириш, қалқонсимон безни пайпаслаш); - умумклиник лаборатор текширувлар; - ТТГ, Т3, Т4 тиреоид гормонлари даражасини аниқлаш; - тиреопероксидаза (ТПО) га нисбатан антитаначалар даражасини аниқлаш; - эндокринолог кўриги; - товуш бузлишларида ЛОР шифокор кўриги; - инструментал (ултратовуш, радиологик); - морфологик; - статистик текшириш усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

бўқоқнинг қайталаниш частотаси унинг патоморфологик шаклларига, тиреопероксидазага нисбатан антитаначалар даражаси кўрсаткичлари бўйича аутоиммун жараённинг фаоллик даражасига, шунингдек, бажарилган операция ҳажмига боғлиқлиги аниқланган ва ингичка игнали пункцион аспирацион биопсия, ҳамда интраоперацион экспресс диагностикадан иборат морфологик текширувни босқичма-босқич қўллаш бўқоқнинг гистологик шаклини аниқлаштириш имконини бериши исботланган;

қалқонсимон без тўқималарида морфологик ўзгаришларнинг ривожланиши қалқонсимон без эпителиясининг пролиферацияси ва трансформациясининг устунлигини кўрсатувчи тиреопероксидазага нисбатан антитаначалар даражасига бевосита боғлиқ эканлиги исботланган, бу эса антитанача титрининг юқори кўрсаткичлари бўлган буюқ билан беморларда тиреоидэктомия бажаришни тақозо этади, шунингдек, аъзони сақлашга қаратилган резекциялар қайталаниш юзага келишига олиб келувчи норадикал операция эканлиги, ҳамда тиреоидэктомия ва яққол субтотал резекциялар, айниқса токсик буюқ бўлган беморларда адекват радикал аралашув эканлиги исботланган;

ултратовушли дисектор-аспиратор (CUSA) қўллаш билан струмэктомияни амалга оширишнинг техник жиҳатларини такомиллаштирилиши қалқонсимон без артерия тузилмаларининг хавфсиз ажратилишини, қайтувчи хиқилдоқ нерви, ҳамда қалқонолди безлари идентификациясини таъминлаши ва шу орқали операция ичи асоратлар хавфини камайтириши исботланган;

тиреостатиклар қўллаш мумкин бўлмаганлиги туфайли буюқнинг токсик шакли оғирлашган беморларни операциядан олдинги тайёрлашда плазмани гипохлорит натрий билан билвосита электрокимёвий оксигенацияси, қўшимча озонлаш ва детоксикация қилинган плазмани қайта

қуйиш орқали дискрет плазмферезнинг қўлланилиши эутиреоз ҳолатига эрта эришиш орқали операция ичи қон кетишини 6,8%дан 1,2%гача камайтириши, ҳамда операциядан кейинги даврда тиреотоксик кризларни тўлиқ бартараф этиши исботланган;

қалқонсимон без хавфсиз касалликларида жарроҳлик даволаш усулини танлашнинг прогностик омиллари (бўқоқнинг морфологик шакли, тиреопероксидазага нисбатан антитаначалар даражаси, ҳамда операция ҳажми) га асосланган тавсия этилган даволаш-диагностика алгоритми операциядан кейинги бўқоқ қайталанишини 16,5%дан 3,2% гача, ҳамда операциядан кейинги гипотиреоз ривожланишини 17,8% дан 5,6% гача камайтириш орқали даволаш натижаларини сезиларли даражада яхшилаш имконини берган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

йод танқислиги бўлган ҳудуд аҳолисида тугунли буқоқни жарроҳлик йўли билан даволашнинг узок муддатли натижаларини ўрганиш асосида касалликнинг рецидиви ривожланиши билан боғлиқ даволашнинг қоникарсиз натижаларининг частотаси унинг морфологик тузилишига, жарроҳлик аралашуви ҳажмига ва операциядан кейинги даврда кузатув давомийлигига боғлиқ эканлиги аниқланди;

жарроҳлик тактикасини танлашни оптималлаштиришга имконини берувчи буқоқнинг гистологик шакли ва тиреоид перинодуляр тўқималардаги ўзгаришлар табиатини якуний текшириш учун босқичли морфологик тадқиқотларнинг информативлик даражаси аниқланган;

тиреопероксидазага нисбатан антитаначаларининг дастлабки даражаси билан касаллик қайталаниш частотасининг яққол боғлиқлиги аниқланган, антитаначалар даражаси қанчалик юқори бўлса, қайталаниш даражаси шунчалик юқори бўлади (≥ 100 м Ед /л даражасида 30,3% гача). Антитаначаларнинг даражаси паст бўлганда касаллик қайталаниш эҳтимоли паст, чунки фолликулаларни склеротик тўқима билан алмашиши гиперплазия ва тўқималарнинг гиперфункцияси жараёнларининг ривожланишига ҳисса қўшмайди, бу эса ушбу беморларда субтотал резекция бажарилишини оқлайди;

гемитиреоидэктомия ва қалқонсимон безнинг қисман резекция каби органсақловчи аралашувлар радикал операцияларга нисбатан рецидив даражаси анча юқори эканлиги ва шу билан бирга, тиреоидэктомия ва субтотал резекция бир хил минимал рецидивлар сони билан ижобий натижаларга эришишни таъминлайди;

ултратовуш дисектор аспираторидан фойдаланиш қалқонсимон без томирларини ва трахеянинг олд юзасини ажратиш босқичларини сезиларли даражада содаллаштирди, бу эса операциянинг мураккаб босқичларини 2 баробар, операциянинг умумий давомийлигини 1,5 баробар қисқаришига, операциядан кейинги эрта асоратлар (қон кетиш, қайтувчи ҳикилдоқ нерви парези, гипопаратиреоз) частотасининг камайишига олиб келди;

буқоқнинг токсик шакли билан беморларни операциядан олдинги тайёрлашда плазмани гипохлорит натрий билан билвосита электрокимёвий

оксигенацияси, қўшимча озонлаш ва детоксикация қилинган плазмани қайта қуйиш орқали дискрет плазмозферезни қўллаш тавсия этилган;

буқоқ билан беморларда операция ҳажмини танлашнинг прогностик омилларига асосланган жарроҳлик даволаш тактикасини дифференциал танлаш, операциядан кейинги кечки қониқарсиз натижалар частотасини камайтириш орқали кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий-тадқиқот ишида фойдаланилган замонавий, бир бирини тўлдирувчи ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг халқаро ҳамда маҳаллий муаллифлар маълумотлари билан таққосланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва таклифлар назарий аҳамиятга эга бўлиб, улар қалқонсимон без хавфсиз касалликлари бўлган беморларни ташхислаш ва даволашнинг замонавий ёндашувларини ишлаб чиқишга, қалқонсимон безнинг тугунли трансформацияси гистологик шаклдан қайталанган буқоқ ривожланиши ўртасидаги патогенетик муносабатларни фарқлаш орқали перинодуляр тўқималар ҳолатининг морфологик хусусиятларини аниқлашга катта ҳисса қўшади.

Ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, асосий хулосалар ва тавсиялардан турли даражадаги тиббий муассасаларда қалқонсимон без хавфсиз касалликлари билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволашда фойдаланиш мумкин ва оптимал жарроҳлик тактикасини танлаш учун таклиф қилинган дастур ва алгоритм операциялар натижаларини яхшилашга, операциядан кейинги реабилитация вақтини қисқартиришга ва узоқ муддатда касалликнинг қайталаниш хавфини камайтиришга имкон берди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қалқонсимон без хавфсиз касалликларини ташхислаш ва жарроҳлик давосини мақбуллаштириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида (Ўзбекистон Республикаси ССВ ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 22.10.2024 й. 07/92-сон хулосаси):

Биринчи илмий янгилик: бўқоқнинг қайталаниш частотаси унинг патоморфологик шаклларига, тиреопероксидазага нисбатан антитанчалар даражаси кўрсаткичлари бўйича аутоиммун жараённинг фаоллик даражасига, шунингдек, бажарилган операция ҳажмига боғлиқлиги аниқланган ва ингичка игнали пункцион аспирацион биопсия, ҳамда интраоперацион экспресс диагностикадан иборат морфологик текширувни босқичма-босқич қўллаш бўқоқнинг гистологик шаклини аниқлаштириш имконини бериши исботланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: Бўқоқ қайталаниши прогностик омилларининг аниқланиши операция ҳажмини танлашга табақалаштирилган ёндашув, яъни, қайталаниш эҳтимоли юқори бўлган ҳолатларда тотал

тиреоидэктомия, қайталаниш эҳтимоли кам бўлган ҳолатларда эса аъзо сақловчи амалиётларни қўллаш бўйича таклифлар СамДТУ Илмий кенгаши томонидан 26.06.2024 й. 11-сонли қарори билан тасдиқланган «Қалқонсимон без хирургик касалликларини ташхислаш» ва «Применение современных технологий в хирургическом лечении доброкачественных заболеваний щитовидной железы» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси 29.06.2024 й. 2198-6-101-ТВ/2024 сонли буйруғи ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Самарқанд бекати бирлашган касалхонаси 1.07.2024 й. 7 – сонли буйруқлари билан хирургия бўлимлари амалий фаолиятига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: бўқоқ қайталанишининг прогностик омилларининг аниқланиши операциянинг энг мақбул ҳажмини аниқлаш орқали ортиқча тиреоидэктомияларни ва бу орқали операциядан кейинги гипотиреоз ривожланишини олдини олиш, бу эса даволаш натижаларини, ҳамда беморлар яшаш сифатини яхшилаш имконини беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги куйидагилардан иборат: бўқоқ қайталанишининг прогностик омилларини аниқлаш орқали даволаш ҳамда диагностика алгоритми билан даволаш одатда умумий ўртача 3 894 562 сўм (Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси прејскурантига кўра). Беморларнинг барча лаборатор-инструментал текширишларига жами 732 400 сўм сарфланади. Беморларда тўлиқ иқтисод қилинган қиймат 824 600 сўмни ташкил этади (бир нафар бемор учун). Хулоса: бўқоқ қайталанишининг прогностик омилларини аниқлаш орқали даволаш ҳамда диагностика алгоритмининг қўлланилиши касаллик қайталанишини, ҳамда беморларда ортиқча тиреоидэктомияларни камайтириш орқали гипотиреозни олдини олиш ҳисобига 1 нафар беморда 824,600 сўм иқтисод қилиш имконини беради, шундан 348,400 сўм бюджет маблағлари, 476,200 сўм бюджетдан ташқари маблағлар. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Қалқонсимон без хавфсиз касалликларини ташхислаш ва жарроҳлик давосини мақбуллаштириш» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига СамДТУ ректори томонидан 2024 йил 16-октабрдаги 11318-сонли хат юборилган.

Иккинчи илмий янгилик: қалқонсимон без тўқималарида морфологик ўзгаришларнинг ривожланиши қалқонсимон без эпителиясининг пролиферацияси ва трансформациясининг устунлигини кўрсатувчи тиреопероксидазага нисбатан антитаначалар даражасига бевосита боғлиқ эканлиги исботланган, бу эса антитанача титрининг юқори кўрсаткичлари бўлган буқоқ билан беморларда тиреоидэктомия бажаришни тақозо этади, шунингдек, аъзони сақлашга қаратилган резекциялар қайталаниш юзага келишига олиб келувчи норадикал операция эканлиги, ҳамда тиреоидэктомия ва яққол субтотал резекциялар, айниқса токсик буқоқ бўлган беморларда адекват радикал аралашув эканлиги исботланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: тиреопероксидазага қарши антитаначаларнинг юқори титри

қалқонсимон без эпителийсининг пролиферациясига таъсир кўрсатиши орқали касалликнинг қайталанишига таъсир кўрсатиши аниқланган. Антитаначалар титрининг юқори кўрсаткичларида касаллик қайталаниш хавфи юқори бўлганлиги сабабли, бу каби беморлар гуруҳида тотал тиреоидэктомия бажариш мақсадга мувофиқлиги белгиланган. Токсик бўқоқ бўлган беморларда мазкур алгоритмнинг қўлланилиши касаллик қайталаниш частотасини сезиларли равишда қисқартириш ҳисобига даволаш натижаларини яхшилаш имконини бериши бўйича таклифлар СамДТУ Илмий кенгаши томонидан 26.06.2024 й. 11-сонли қарори билан тасдиқланган «Қалқонсимон без хирургик касалликларини ташхислаш» ва «Применение современных технологий в хирургическом лечении доброкачественных заболеваний щитовидной железы» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси 29.06.2024 й. 2198-6-101-ТВ/2024 сонли буйруғи ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Самарқанд бекати бирлашган касалхонаси 1.07.2024 й. 7 – сонли буйруқлари билан хирургия бўлимлари амалий фаолиятига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: антитаначалар титрининг юқори кўрсаткичларида тотал тиреоидэктомия бажарилиши касаллик қайталанишини олдини олган, ҳамда касалликнинг қайталанган шаклларида кузатилувчи операциядан кейинги эрта ва кечки асоратлар частотасини камайтириш ҳисобига беморлар яшаш сифатини яхшилаш, ҳамда беморларнинг ногиронлигини олдини олиш имконини берган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги куйидагилардан иборат: тиреопероксидазага қарши антитаначалар титри юқори бўлган беморларда тотал тиреоидэктомиянинг бажарилиши касаллик қайталанишини олдини олиши ҳисобига беморларни шифохонага такрорий ётқизилиши, ҳамда операция ўтказилишини олдини олиши ҳисобига ҳар бир беморда ўртача 3,768,000 сўм (Самарқанд ШТБ прејскурантига кўра) иқтисод қилиш имконини берган. Хулоса: тиреопероксидазага қарши антитаначалар титри юқори бўлган беморларда тотал тиреоидэктомиянинг бажарилиши ҳисобига касаллик қайталанишининг олди олиниб, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1,768,000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 2,000,000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Қалқонсимон без хавфсиз касалликларини ташхислаш ва жарроҳлик давосини мақбуллаштириш» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига СамДТУ ректори томонидан 2024 йил 16-октабрдаги 11318-сонли хат юборилган.

Учинчи илмий янгилик: ултратовушли диссектор-аспиратор (CUSA) қўллаш билан струмэктомияни амалга оширишнинг техник жиҳатларини такомиллаштирилиши қалқонсимон без артерия тузилмаларининг хавфсиз ажратилишини, қайтувчи хиқилдоқ нерви, ҳамда қалқонолди безлари идентификациясини таъминлаши ва шу орқали операция ичи асоратлар хавфини камайтириши исботланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: ултратовушли диссектор-аспиратор (CUSA) нинг қўлланилиши операция ичи

асоратларни олдини олиш орқали беморларнинг шифохонада бўлиш давомийлигини камайтириши бўйича таклифлар СамДТУ Илмий кенгаши томонидан 26.06.2024 й. 11-сонли қарори билан тасдиқланган «Қалқонсимон без хирургик касалликларини ташхислаш» ва «Применение современных технологий в хирургическом лечении доброкачественных заболеваний щитовидной железы» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси 29.06.2024 й. 2198-6-101-ТВ/2024 сонли буйруғи ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Самарқанд бекати бирлашган касалхонаси 1.07.2024 й. 7 – сонли буйруқлари билан хирургия бўлимлари амалий фаолиятига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: ултратовушли диссектор аспиратор (CUSA) нинг қўлланилиши қалқонсимон без тўқималарини қайтувчи ҳиқилдоқ нерви, қалқонолди безларига зарар кўрсатмасдан ажратиш имконини берган. Натижада операциядан кейинги беморларнинг ногиронланиши кескин камайган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ултратовушли диссектор аспиратор (CUSA) нинг қўлланилиши тиреоидэктомиа операциясидан кейин кузатилиши мумкин бўлган қон кетиш, гипопаратиреоз, қайтувчи ҳиқилдоқ нервининг вақтинчалик, ёки турғун парези каби асоратларни олдини олиш имконини берган. Натижада беморларнинг шифохонада бўлиш давомийлигининг 3 кунга қисқартириб, шифохонада қолиш тўлов миқдори 775,000 сўмга (Самарқанд ШТБ нинг преискурантига кўра шифохонада 1 кун қолиш 225,000 сўмни ташкил қилади), реабилитация сарф харажатларига 2,350,000 сўм иқтисод қилиш имконини берган. Хулоса: ултратовушли диссектор аспиратор (CUSA) нинг қўлланилиши ҳисобига операция ичи асоратлар юзага келишининг олди олиниб, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1,900,000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 1,225,000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Қалқонсимон без хавфсиз касалликларини ташхислаш ва жарроҳлик давосини мақбуллаштириш» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига СамДТУ ректори томонидан 2024 йил 16-октабрдаги 11318-сонли хат юборилган.

Тўртинчи илмий янгилик: тиреостатиклар қўллаш мумкин бўлмаганлиги туфайли буқоқнинг токсик шакли оғирлашган беморларни операциядан олдинги тайёрлашда плазмани гипохлорит натрий билан билвосита электрокимёвий оксигенацияси, қўшимча озонлаш ва детоксикация қилинган плазмани қайта қуйиш орқали дискрет плазмоферезнинг қўлланилиши эутиреоз ҳолатига эрта эришиш орқали операция ичи қон кетишини 6,8%дан 1,2%гача камайтириши, ҳамда операциядан кейинги даврда тиреотоксик кризларни тўлиқ бартараф этиши исботланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: тиреостатикларнинг ножўя таъсири бўлган токсик буқоқ бўлган беморларни даволашда плазманинг билвосита электрокимёвий оксигенацияси ва қўшимча озонлаштирилиши

орқали дискрет плазмаферези, ҳамда детоксикация қилинган плазманинг кейинги реинфузияси усули ишлаб чиқилган бўлиб, бу ўз навбатида мазкур касалларда тиреотоксикоз ҳолатидан эутиреоз ҳолатига ўтишини тезлаштириш имконини бериши исботланганлиги бўйича таклифлар СамДТУ Илмий кенгаши томонидан 26.06.2024 й. 11-сонли қарори билан тасдиқланган «Қалқонсимон без хирургик касалликларини ташхислаш» ва «Применение современных технологий в хирургическом лечении доброкачественных заболеваний щитовидной железы» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси 29.06.2024 й. 2198-6-101-ТВ/2024 сонли буйруғи ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Самарқанд бекати бирлашган касалхонаси 1.07.2024 й. 7 – сонли буйруқлари билан хирургия бўлимлари амалий фаолиятига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: тиреостатикларнинг ножўя таъсири бўлган, ҳамда узок муддат давомида тиреотоксикозни медикаментоз бартараф этиш имконсиз бўлган токсик бўқоқ билан беморларни даволашда плазманинг билвосита электрокимёвий оксигенацияси ва қўшимча озонлаштирилиши орқали дискрет плазмаферези, ҳамда детоксикация қилинган плазманинг кейинги реинфузияси усулидан фойдаланиш операциядан кейинги даврда ҳаётга хавф туғдирувчи асоратларнинг камайтириш имкониятини берган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: тиреостатикларнинг ножўя таъсири бўлган, ҳамда узок муддат давомида тиреотоксикозни медикаментоз бартараф этиш имконсиз бўлган токсик бўқоқ билан беморларни даволашда плазманинг билвосита электрокимёвий оксигенацияси ва қўшимча озонлаштирилиши орқали дискрет плазмаферези, ҳамда детоксикация қилинган плазманинг кейинги реинфузияси усулининг амалиётда қўлланилиши: беморнинг шифохонада қолиш муддатини ўртача 5 кунга қисқартириб, шифохонада қолиш тўлов миқдори 1,125,000 сўмга камайтирган (Самарқанд ШТБ прејскурантига кўра шифохонада 1 кун қолиш 225,000 сўмни ташкил қилади); шифохонада бўлиш даврининг бир неча кунга қисқартирилиши ҳисобига дори-дармон кам талаб этилган (1 кунга ўртача 130 000 сўм дори воситалари сарфланади). Хулоса: тиреостатикларнинг ножўя таъсири бўлган, ҳамда узок муддат давомида тиреотоксикозни медикаментоз бартараф этиш имконсиз бўлган токсик бўқоқ билан беморларни даволашда плазманинг билвосита электрокимёвий оксигенацияси ва қўшимча озонлаштирилиши орқали дискрет плазмаферези, ҳамда детоксикация қилинган плазманинг кейинги реинфузияси усулининг амалиётда қўлланилиши, ушбу беморларни даволаш натижаларига сезиларли ижобий таъсир кўрсатиб, асоратларни камайтириш имконини беради. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Қалқонсимон без хавфсиз касалликларини ташхислаш ва жарроҳлик давосини мақбуллаштириш» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига СамДТУ ректори томонидан 2024 йил 16-октабрдаги 11318-сонли хат юборилган.

Бешинчи илмий янгилик: қалқонсимон без хавфсиз касалликларида жарроҳлик даволаш усулини танлашнинг прогностик омиллари (бўқокнинг морфологик шакли, тиреопероксидазага нисбатан антитаначалар даражаси, ҳамда операция ҳажми) га асосланган тавсия этилган даволаш-диагностика алгоритми операциядан кейинги бўқоқ қайталанишини 16,5%дан 3,2% гача, ҳамда операциядан кейинги гипотиреоз ривожланишини 17,8% дан 5,6% гача камайтириш орқали даволаш натижаларини сезиларли даражада яхшилаш имконини берган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: операция ҳажмини танлашнинг прогностик омилларига асосланган тавсия этилган даволаш-диагностика алгоритмининг қўлланилиши операциядан олдинги эрта ножўя натижаларнинг 27% дан 4,5% гача, ҳамда операциядан кейинги кечки ножўя натижаларнинг 28% дан 8% гача камайтириш имконини бериши бўйича таклифлар СамДТУ Илмий кенгаши томонидан 26.06.2024 й. 11-сонли қарори билан тасдиқланган «Қалқонсимон без хирургик касалликларини ташхислаш» ва «Применение современных технологий в хирургическом лечении доброкачественных заболеваний щитовидной железы» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси 29.06.2024 й. 2198-6-101-ТВ/2024 сонли буйруғи ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Самарқанд бекати бирлашган касалхонаси 1.07.2024 й. 7 – сонли буйруқлари билан хирургия бўлимлари амалий фаолиятига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: операция ҳажмини танлашнинг прогностик омилларига асосланган тавсия этилган даволаш-диагностика алгоритмининг қўлланилиши эрта ва кечки ножўя натижалар частотасини камайтириши орқали беморлар яшаш сифатини яхшилаш имконини берган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: операция ҳажмини танлашнинг прогностик омилларига асосланган тавсия этилган даволаш-диагностика алгоритмининг қўлланилиши беморнинг шифохонада қолиш муддатини ўртача 4 кунга қисқартириб, шифохонада қолиш тўлов миқдори 1,100,000 сўмга камайтирган (Самарқанд ШТБ прејскурантига кўра шифохонада 1 кун қолиш 225,000 сўмни ташкил қилади); шифохонада беморларни текширишга кетган ўртача харажатни 465,000 сўмга (Самарқанд ШТБ прејскурантига кўра умумий текширув харажатлари 1,236,000 сўм) иқтисод қилиш имконини берган. Хулоса: операция ҳажмини танлашнинг прогностик омилларига асосланган тавсия этилган даволаш-диагностика алгоритмининг қўлланилиши, ушбу беморларни даволаш натижаларига сезиларли ижобий таъсир кўрсатиб, асоратларни камайтириш имконини берган, ҳамда 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1,000,000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 565,000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Қалқонсимон без хавфсиз касалликларини ташхислаш ва жарроҳлик давосини мақбуллаштириш» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига СамДТУ ректори томонидан 2024 йил 16-октабрдаги 11318-сонли хат юборилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқотнинг асосий натижалари 9 та, шу жумладан 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий конференциялар, симпозиумларда тақдим этилган ва муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган бўлиб, жумладан, 16 та мақола, улардан 10 таси республика ва 2 таси хорижий журналларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, беш бобдан иборат шахсий тадқиқотлар, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Матнли материал ҳажми 190 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

